

Хизмат сафари бўйича хисобот

17-21 январь кунлари Тошкент кимё-технология институти (ТКТИ) ректори **Ботир Усмонов**, “Ўзкимёсаноат” АЖ бўлим бошлиғи **Воҳид Арипов** ва Россия кимё технология университети Тошкент филиали директори вазифасини бажарувчи **Ботир Нурматовдан** иборат Ўзбекистон делегацияси Россия кимё технология университети (РХТУ) га ташриф буюрди.

Ташриф давомида РХТУнинг ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш билан танишадилар, ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар ва РХТУ раҳбарияти билан биргаликда 2022 йилга мўлжалланган қўшма тадбирлар режасини тузадилар.

Делегацияни университет ректори **Илья Воротинцев** ва университет раҳбарияти кутиб олишди ва ҳамроҳлик қилишди.



“Ўзкимёсаноат” АЖ бўлим бошлиғи Воҳид Арипов, РХТУ ректори Илья Воротинцев, ТКТИ ректори Б.Ш.Усмонов, Россия кимё технология университети Тошкент филиали директори вазифасини бажарувчи Ботир Нурматов.



PKTU ректори Илья Воротинцев, ТКТИ ректори Б.Ш.Усмонов, “Узкимёсаноат” АЖ бўлим бошлиғи Воҳид Арипов, PKTU халқаро хамкорлик бўлими ходимлари.

Хусусан, Тошкент кимё технология институти ректори Ботир Усмонов 17 январдан 21 январгача Россия кимё технология университетини таклифига биноан Москва шаҳрига хизмат сафарига бориб келди. Сафар даврида бир неча режада кўрсатилган учрашувлар, яъни академик хамкорлик, кимё саноатига кадрлар тайёрлаш, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш масалалари университет ректори ва рахбарият билан давра суҳбатлари ўтказилди.



PKTU, ТКТИ, “Узкимесаноат” делегациялари учрашуви.

17-18 январь куни университет хузурида ташкил этилган Ёшлар технопаркининг фаолияти, унда жойлашган лабораторияларда бўлиб, мастер классларда иштирок этилди. Технопаркда барча ускуна ва жихозлар замонавий бўлиб уларда нафақат дарс жараёнида, балки талабаларнинг илмий изланишларида тўлиқ фойдаланиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари Москва шаҳри мактабларининг ўқувчилари учун турли кимё технологияларига оид, ёшига қараб тўғрақлар ташкил этилган бўлиб, бу университетга ўта иқтидорли ёшларни талабалikka олиш имконияти беради. Технопаркда ёш кимёгарлар жанги бренди остида мактаб ўқувчилари орасида телетанлов ташкил этилиб, унда барча ўқувчилар қатнашиши мумкин. Ушбу технопаркни мақсади ёшларни техник ижодиётга, муҳандислик касбига бўлган қизиқишларини кучайтириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, “Менделев маркази” деб юритилади.



“Менделев центр” га таширф.

19-20 январь кунлари РХТУнинг Тушино массивида жойлашган кампусидаги бир неча илмий тадқиқот марказлари ва асосий факультетлари, талабаларга яратилган шароитлар, кампуснинг инфраструктураси, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлик намунаси бўлмиш Мухандислик маркази билан танишилди ва улардаги илмий тадқиқотлар жараенини кузатилди. Бунда: доривор моддалар тайёрлаш, лазер технологиялар лабораториялари, ҳамда илмий жамоавий фойдаланиш маркази, кимё ва фармацевтика мухандислик факультети ва “Ферринг Россия” тадқиқотлар институтида фармацевтика, биокимё ва турли моддаларни синтез қилиш, таркибидаги компонентларни ажратиш, таҳлил қилиш, уларни ўлчаш каби амалиётларни олиш боришини кузатилди. Таниқли кимёгар олимлар, профессорлар билан академик ва илмий ҳамкорлик бўйича фикрлар алмашилди. Тошкентдаги бўлажак кластернинг фаолиятида биргаликда ишлаш бўйича режалар тузишга келишилди.


ТХТИ базасида материалшунослик, гиёхванд моддаларни таҳлил қилиш, функционал овқатланиш бўйича ўқув жараениларини ташкил этишда РХТУ иштироки бўйича бирламчи келишувга эришилди. Март ойининг охирида ўқувчилар ва талабаларнинг кимё фанидан халқаро танловини ўтказишга ахдлашилди.

Бундан ташқари Москвадаги Сколково кластерида жойлашган Сколтех универистети билан яқиндан танишилиб, уларнинг фаолияти ҳам ўрганилди. Сколтех биринчи проректори профессор Кейт Джон Стевенсон университет фаолияти бўйича тақдимот қилди ва ўқув жараёни, ҳамда лабораториялари билан танишилди.

Москвадаги ВДНХдаги “Техноград инновацион таълим комплексида касб ўрганиш, талабаларни касбий компетенцияларини ривожлантириш учун яратилган имкониятлар билан танишилди.

Ташриф якунида РХТУда таълим олаётган Ўзбекистонлик талабалари билан суҳбат уюштирилиб, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб

берилди. Бугунги кунда ушбу университетда 30га яқин бакалавр, магистрант ва докторантлар таҳсил олмоқда.



PKTU da taхsil olaётган Ўзбекистонлик талабалар билан делегация учрашуви.

Уларга Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотлар, ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар хусусида ТКТИ ректори Б.Ш.Усмонов томондан турли ахборотлар берилди.

*Тошкент кимё-технология
институту ректори Б.Ш.Усмонов*

.....